
ШИРКАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН КЎНГИЛ ТЎЛАДИМИ?

Бугун Марғилон шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонуни нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Марғилон шаҳрида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнинг дастлабки босқичи юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х.Салиев, вазирлик ҳузуридаги “Уйжойфондинспекция” раҳбари А.Н.Эрдонов, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.М.Тошпўлатов, Марғилон шаҳар ҳокими М.Убайдуллаев, шаҳар ва туман ҳокимларининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари, профессионал бошқарув компаниялари бошлиқлари, Ёшлар иттифоқи, шунингдек, Наманган, Андижон вилоятларининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари бошлиқлари, инспекция раҳбарлари, Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган барча оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Салиевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь кунги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифлар ва уларни ижросини таъминлашга қаратилган маърузаси билан бошлади.

Маърузада қайд этилганидек, аҳолининг барча қатламлари турмуш даражаси ва жамиятимиздаги ижтимоий муҳит муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши билан чамбарчас боғлиқ. Кўп қаватли уйларни бошқаришда мустақкам меъёрий-ҳуқуқий база яратиш, қонунда белгиланган кўп қаватли уйларни бошқариш шакллари ҳамда фуқароларимиз учун яратиладиган мутлақо янги тизимни шакллантириш ҳар биримиз учун жорий даврнинг устувор вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан “Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонунинг 55-моддасига асосан, қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Марғилон шаҳрида ҳуқуқий эксперимент ўтказилмоқда.

Бугунги кунда Марғилон шаҳридаги 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 291 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларда 11962 та хонадон мавжуд ва жаъми 34745 нафар фуқаролар истиқомат қилмоқда. Мазкур уйларга 36 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда 4 та бошқарув сервис компаниялар томонидан хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича штаб ташкил этилган бўлиб, унда 6 та ишчи-гуруҳлари фаолият олиб бормоқда. Яъни, ишчи гуруҳлар томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, кўп квартиралли уйларнинг техник ҳамда молиявий-иқтисодий ҳолатлари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда. Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида аҳолининг ижтимоий фикрларини ўрганиш, улар билан бевосита ишлаш, мулкдорлар томонидан билдирилган шикоят, эътироз ва таклифларни чуқур ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, кўп квартиралли уйларнинг жойлашуви бўйича харита ва уйларни кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқилиб, белгилаган тартибда ҳар бир уйнинг паспорти яратилмоқда.

Ишчи-гуруҳлар томонидан биринчи босқичда қуйидагилар аниқланди: Мавжуд 36 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан 16 тасининг раислари ноқонуний равишда тайинланган. 15 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларининг мувофиқлик сертификати мавжуд эмас. 28 нафар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари номутахассис ёки умуман бошқа соҳа вакиллари бўлиб чиқди. Уларнинг 80 фоизини аёллар ташкил этади. 26 та ширкатлар хизмат хоналари билан таъминланмаган. Шунингдек, 36 та ширкат томонидан ўзлари техник хизмат кўрсатиб келаётган жами 292 та уйлардан бир ойда 238,5 млн. сўм, бир йилда 3,5 млрд.сўм мажбурий бадаллар йиғилиши режалаштирилган бўлса-да, бугунги кундаги кўрсаткич атиги 2,0 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Мулкдорларнинг мажбурий бадалдан бўлган қарздорлиги 2,21 млрд. сўмга ошиб кетган. Ширкатларнинг давлат ва бошқа ташкилотлардан бўлган қарздорлиги 7,09 млрд.сўмни ташкил этиб, шундан муддати ўтган кредитор қарздорлик 6,59 млрд. сўм, ойлик иш ҳақларидан бўлган қарздорлик 449,9 млн. сўм, бошқа ташкилотлардан қарздорлик 45,5 млрд. сўмни ташкил этмоқда. 9 та ширкатларнинг молиявий ҳолати ўта ночор, деб топилган. 1 / 2

Матбуот анжумани якунида вазирлик мутассаддилари ва маҳаллий соҳа вакиллари томонидан муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш, мижозлар билан ишлаш ҳамда мавжуд

қарздорликларни бартараф этишга қаратилган мазмундаги ўқув-амалий семинари ташкил этилди.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2020-01-25 14:12:39